

Д.Жалолова, ТМИ доценти
Ў.Ахтамов, ТМИ магистранти

БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада иқтисодийни модернизациялаш шароитида бошқарув тизимида ахборот технологияларини қўллашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш жараёнлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: бошқарув жараёни, транзакционлик принци, ахборот технологиялари, тижорат таъминоти, электрон бизнес.

В статье рассматривается процесс совершенствования теоретико-методологических основ использования информационных технологий в системе управления в контексте модернизации экономики.

Ключевые слова: процесс управления, транзакционные принты, информационные технологии, коммерческая поддержка, электронный бизнес.

The article examines the process of improving theoretical-methodological foundations of the use of information technology in the management system in the context of modernization of the economy.

Key words: management process, transaction prints, information technology, commercial support, electronic business.

Бошқарув жараёнларининг устун даражада ахборот тусида эканлиги корпорацияларда ва давлат органларида менежмент учун умумий ҳисобланади. Шунга мувофиқ равишда корпорациялар томонидан электрон бизнесни ташкил этилиши тажрибаси ўз фаолиятини мақбуллаштиришга ва харажатларни камайтиришга интилаётган давлат бошқаруви органлари учун яхши мисол бўла олади. Боз устига, сўз шаҳар, вилоят ёки мамлакат даражасида ишлаб чиқиладиган ахборот-бошқарув порталлари ҳақида ёки тижорат таъминот тизимини автоматлаштириш ҳақида бораётганлигидан қатъий назар ҳар иккала ҳолатда одатдагидек иш кўриш тарзини АКТ тизимларини давлат бошқарувида самарали жорий этиш учун давлат бошқарувининг ички идоравий йўналтирилганлигидан фуқароларнинг эҳтиёжларига йўналтирилганликка ўтиши зарурдир ўзгартириш учун амалда деярли бир хил стандарт компонентлардан ва тайёр дастурий маҳсулотлардан фойдаланилади. Жумладан, Буюк Британия Бош вазيري Тони Блейер модернизация қилинган, самарали ҳукумат электрон бизнес соҳасининг энг сўнгги ютуқлари ва ишланмаларига таяниши керак деб ҳисоблаши бежиз эмас.

Стратегик принциплар ушбу ниятларни ҳукумат бошқаруви жараёнларини таркибий қайта қуриш ва уларга янги технологияларни жорий этиш орқали амалга оширишга йўналтирилиши зарур. Бизнес иши

қоидаларининг давлат иши қоидаларидан жиддий фарқи уларнинг мақсадли йўналишида ифодаланади—бизнеснинг самарали субъектлари буюртмачиларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлади, айтилиши вақтда давлат муассасаларида ички идоравий йўналиш кўпинча устунлик қилади. Тегишли равишда белгиланган жараёнлар ҳам жиддий фарқ қилади. Жумладан, бизнес билан ўзаро муносабатда буюртмачи кўпинча алоқанинг ягона нуқтасига эга бўлади, унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча ички муаммолар ички тартиб-қоидаларга мувофиқ бизнеснинг ичида ҳал этилади.

Фуқароларнинг (ёки бизнеснинг) давлат билан ўзаро муносабатларининг “классик” схемасида одатда барчаси аксинча юз беради — кўплаб алоқа нуқталари мавжуд бўлади, давлат томонидан белгиланган тегишли тартиб-қоидаларни бажариш эса кўпинча “буюртмачи”нинг мажбурияти ҳисобланади. Умуман олганда оддий транзакцияларни — мулкчилик ҳуқуқини расмийлаштириш, у ёки буни рўйхатдан ўтказиш ва ҳоказоларни бажариш учун қанча маълумотнома ва ҳужжатлар тўплаш ва уларни бир ташкилотдан бошқасига олиб бориш зарурлигини барча билади. Бунда кўпинча транзакционлик принципи бузилади, натижада ҳар хил идоралардаги маълумотларнинг яхлитлиги ва бир-бирига зид эмаслигига ҳеч қачон ишонч ҳосил қилиш мумкин эмас. Қаранг, масалан, www.e-govcompetence.ru сайтда “Буюк Британия он-лайнда” лойиҳаси бўйича йиллик маърузалар 16 Ҳукумат даражасида ахборот технологиялари жорий этилиши технологияни, психологияни ва давлат билан бошқарув субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўп даражада ўзгартиради АКТ тизимларини жорий этишда давлат бошқаруви жараёнларини оптималлаштириш зарур Бундан қуйидаги тезис келиб чиқади — АКТ тизимларини давлат бошқарувида самарали жорий этиш учун давлат бошқарувининг ички идоравий йўналтирилганлигидан фуқароларнинг эҳтиёжларига йўналтирилганликка ўтиши зарур. Мавжуд самарасиз тартиб-қоидаларни автоматлаштиришга уриниш ниҳоятда хавфлидир.

Электрон корпорация билан давлат бошқарувида АКТни жорий этиш ўртасидаги ўхшашликка монанд қилиб айтадиган бўлсак корпоратив ахборот тизимлари бўйича барча мутахассисларга маълум бўлган бир фактни келтирса бўлади: ахборот технологияларини жорий этилишида умуман корпорациянинг фаолияти самарадорлигини оширишга фақат бир вақтнинг ўзида автоматлаштирилаётган корхонанинг бизнесжараёнлари реинжинингини амалга ошириш билангина эришилади. Ахборотлаштириш бизнесжараёнларни ташкил этиш ва бошқариш схемаси бўйича корхонанинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига олиб келади. Бу давлатни автоматлаштириш (ва самарадорликни ошириш) учун ҳам зарурдир. Буни ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб давлатларда англаб етишмоқда. АКТ тизимларини жорий этишда давлат бошқарув жараёнларини оптималлаштирилиши зарур бўлади. Бу нима учун зарур эканлигини энг оддий мисол кўрсатади. Яшаш жойи ўзгарган тақдирда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш учун ҳар иккала (олдинги ва янги) яшаш жойидаги паспорт столига икки марта бориш зарур бўлади. Яъни

ноқулай иш вақтида ҳар хил идораларга тўрт марта бориш, навбатда туриш керак бўлади. Ҳатто Интернет орқали ушбу идораларга кириш имконияти таъминланса ҳам барибир ушбу тўрт операцияни бажаришга тўғри келади. Тегишли ахборот технологиялари жорий этилгандан кейин фуқаро ўз манзили ўзгарганлигини рўйхатдан ўтказиш учун фақат «бир дарча»га мурожаат қилиш етарлилигига эришиш ушбу масалада оптималлаштиришнинг натижаси бўлиши керак. Яъни бутун ахборот айирбошланиши фуқаронинг иштирокисиз автоматлаштирилган тарзда бажарилиши, янада яхшиси, бутун ахборотнинг умумий маълумотлар базасида бирлаштирилиши имконияти таъминланиши керак.

Сўнгги ҳолат фуқаролар ҳисобини олиб бориш самарадорлигини анча оширувчи анча асосли қарордек туюлади, чунки зарур бўлмаган ва бири-бирини такрорловчи идораларни тугатиш ҳисобига кўплаб маблағларни тежаб қолиш имконини беради. Шу билан бирга, иқтисодий жараёндан чалғитилмайдиган фуқароларнинг вақтини тежаш ҳисобига ҳам билвосита фойда кўрилади. Боз устига, гарчи жуда муҳим бўлса-да бунга Интернет орқали кириш асосий жиҳат эмаслигига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Бунда энг муҳими – мақсадга самарали ва тежамли эришиш учун бошқарув жараёнларини соддалаштириш, трансформация қилишдир. Ахборот технологияларини қўллаш қўламлари улар туфайли эришилиши мумкин бўлган натижаларга тўлиқ мувофиқ келади. Бизнесда АКТ-тизимларининг қўлланилиши, яъни бизнес субъектининг етказиб берувчилар, компаниялар, истеъмолчилар, мижозлар, ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқаси жараёнининг автоматлаштирилиши ўзаро муносабатларни жиддий равишда ўзгартиришга, бундай муносабатларнинг глобаллашувини ва олдин мумкин бўлмаган юқори даражада мослашувчанлигини таъминлашга олиб келади. Мана шунга ўхшаш ҳукумат даражасида ахборот технологиялари жорий этилиши технологияни ҳам, психологияни ҳам, давлат билан бошқарув субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам кўп даражада ўзгартиради. Боз устига ҳал этилаётган бошқарув вазифалари ва ахборот жараёнлари ўхшашлиги туфайли корпоратив лойиҳаларда қўлланиладиган асосий принциплардан давлат бошқаруви органлари фаолиятини ахборотлаштириш учун самарали фойдаланиш мумкин.

Давлат бошқарувида АКТнинг аҳамияти Шундай қилиб, Сиз давлат бошқарувида АКТни жорий этиш нима эканлигини билиб олмоқчисиз. Бироқ АКТ-мутахассиси бўлмаган Сизни давлат муассасаларидаги амалдорларнинг компьютерлар билан жиҳозланганлиги тўғрисидаги толиқтирадиган тафсилотларда адашиб қолиш ташвишлантirmoқда. Боз устига, маълумотлар узатишнинг у ёки бу идоралараро тармоғининг тузилмаси ва функциялари тўғрисидаги билимлар Сизга қачондир амалда яраб қолиши эҳтимолдан йироқ эканлигига Сиз қатъий ишонасиз. Биз Сизни тушунамиз. Муаллифларга ҳам бу тафсилотлар унча ҳам қизиқарли эмас. Сизни тинчлантirmoқчимиз: биз ҳозир сўз юритган масала бизнинг китобимизнинг соҳасига тегишли, бироқ асосий ва белгиловчи белги эмас. Сиз бу ўзи нима

деб сўрамоқчисиз. Бу саволга тегишли луғат тушунчалари билан жавоб беришдан олдин давлат бошқарувида АКТ нима эмас эканлигини тушуниб олишга интиламиз. Кўп учрайдиган адашишлар E-Governance мавзуси кейинги вақтларда жуда оммалашиб кетди. Бироқ сўнгги пайтларда эълон қилинаётган материалларда мазкур мавзуга ёндашишда тизимлилик ва концептуал қатъийлик йўқлиги кўриниб турибди. Давлат бошқарувида АКТ ҳақида гапирилганда, одатда, платформалар, порталлар, ҳужжатлар айланиши, у ёки бу фирмаларнинг технологиясидан фойдаланиш тўғрисида сўз юритишади, у ёки бу даражада e-Governance деб аталиш ҳуқуқига талабгорлик қилаётган, аслида эса бундай бўлмаган ахбороткоммуникация тизимларининг амалга оширилганлиги ва муаффақиятли жорий этилганлиги ҳақида мисоллар келтирилади.

Ахборот технологияларининг ижтимоий ҳаётга жорий этилишининг кўчкисимон жараёнидан сохта кўтаринкилик ҳолатига тушиш бизнинг давримизнинг характерли белгиси ҳисобланади. Тегишли давлат дастурлари қабул қилиниши билан мустаҳкамланган ушбу жараён давлат бошқаруви органларининг ялпи ахборотлаштирилиши даражасига чиққандан кейин кўплар АКТнинг давлат бошқарувида жорий этилиши мана шундан бошланади деб ҳисоблашга мойилдирлар. Аслида шундайми?

Дастлаб e-Governance масаласида жамоатчилик фикрида мавжуд бўлган типик афсоналар ва адашишларни тушуниб олишга ҳаракат қиламиз. Биринчи адашиш. Давлат бошқарувида АКТ – бу қандайдир янги суперкомпьютер ва у давлат аппарати ва барча амалдорларини тўлиқ ёки қисман алмаштиради ва одамлар учун давлат бошқаруви функциялари вазифасини бажаради деган адашиш. Оптимистик ижтимоий утопиялар нуқтаи назаридан идеал давлат ҳокимиятир[1]: «электрон амалдорлар» чарчаш нималигини билмайди, уларга уйқу ҳам, тушлик қилиш ҳам зарур эмас. Бинобарин, кеча-кундуз ўз ишига садоқат билан хизмат қилишнинг намунасини кўрсатадилар. Цивилизация ривожланишининг технократик моделлари душманлари бўлган утопистлар инсониятни бошқа бир абсурд экстраполяция – машиналар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, замонавий АКТ воситасида одамлар устидан ялпи электрон назорат қилиш билан кўрқитадилар. Ҳар иккала томон ҳам бир хилда адашади – «Терминатор» ва «Матрица» ҳеч бўлмаганда яқин келажакда фантастика бўлиб қолишга маҳкум этилган. Жамиятни ялписига электрон бошқариш тизимини жорий этиш (яхши ниятда ёки ғайри-инсоний мақсадда жорий этилишининг аҳамияти йўқ) техник жиҳатдан мумкин эмаслигидан ташқари, ҳатто жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари учун ҳам иқтисодий жиҳатдан имкони йўқдир. Аксинча, e-Governancenинг жорий этилиши жамият учун давлат бошқаруви тузилмалари фаолиятининг кўпроқ очиклигини таъминлайди.

Юқорида сўз юритганимиздек, жамиятда давлат бошқарувида АКТнинг жорий этилиши – бу давлат амалдорларининг барчасининг компьютер техникаси билан «биттама-битта» жиҳозАКТнинг жорий этилиши давлат

бошқаруви тизими фаолиятининг жамият учун кўпроқ очиклигини таъминлайди. Давлат бошқаруви органларининг компьютерлаштирилиши ва уларнинг “онлайн” интерфейси билан жиҳозланиши муҳим қадам ҳисобланади, бироқ АКТни жорий этиш билан боғлиқ вазифаларни бутун комплекси бу билан тамом бўлмайди. АКТ тизими давлат билан жамият ўртасидаги алоқалар тартиботини анча соддалаштиради, бироқ бу – уларнинг яқкаю ягона ва асосий афзаллиги эмас. АКТнинг давлат бошқарувида амалда жорий этилишининг асосий мақсади ва кутилаётган натижаси кенг кўламда давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янги сифатга ўтганлиги ҳисобланади. Бу янги сифатга ўтиш аслида e-Governance ҳисобланади. ланганлиги[2]. Бу – хато тасаввурдир ва e-Governance билан электрон интерфейс (governance on-line, GOL) билан жиҳозланган давлат бошқаруви ўртасида тенглик аломати қўйиш ҳам хатодир. Гарчи e-Governance фуқаролар билан онлайн интерфейс орқали боғланган бўлса ҳам у фаолиятнинг сифат жиҳатидан бошқа принциплари ва фаолият шаклларига қурилади. Учинчи адашиш. Айримлар давлат бошқарувида АКТ – бу давлат билан жамият ўртасидаги қандайдир электрон «воситачи» деб ҳисоблайдилар, бошқача сўзлар билан айтганда, замонавий АКТ ёрдамида ташкил этиладиган алоқа канали деб ҳисоблайдилар. Сўзсиз, Интернет ва Интранет, ресурсларига таянадиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳар хил ижтимоий институтлар ва фуқароларнинг ўзининг давлат муассасалари билан алоқаси тартиб-қоидабини анча соддалаштиради, бу алоқани самаралироқ алоқага айлантиради. Бироқ бу «анъанавий» телефон алоқасига қараганда фақат сифатлироқ ва тежамлироқ алоқа йўли, e-Governance тузилмасининг зарур техник воситаларидан бири, бироқ асло давлат бошқарувида АКТнинг жорий этилишини бутун комплекси эмас. Шундай қилиб, биз АКТ давлат бошқарувида нима эмас эканлиги ҳақида анча аниқ тасаввурга эга эканмиз, 1990-йил бошида пайдо бўлган ушбу ҳоди-сага тегишли таъриф топишга уриниб кўрамиз. Биз учун жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланадиган АКТнинг давлат бошқарувида амалда жорий этилишининг натижаси кенг кўламда давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янги сифатга ўтганлигини тушуниш ушбу қадам учун асос ҳисобланади. Бу янги сифатга ўтиш аслида e-Governance ҳисобланади[3].

Ахборот технологиялари нуқтаи назаридан «классик» давлат бошқаруви. Бироқ бизни қизиқтирадиган тушунчани ифодалашдан олдин «классик» маънода тушунишда давлат бошқаруви ўзида нимани ифодалашини биз етарлича тасаввур қила оламизми деган савол ҳақида ўйлаб кўрайлик. Бироқ, бундан олдин оммавий адабиётларда кенг ёйилган бир тушунчага тўхталиб ўтамиз. Бу «электрон ҳукумат» тушунчасидир. Давлат бошқарувида жорий этиладиган ахборот-коммуникация технологияларини умумий комплексини англатиш учун ушбу атама кенг қўлланилиши биз олдинги параграфда сўз юритган афсоналар ва адашишларни озиқлантирадиган негиз ҳисобланади. Бироқ давлат бошқарувидаги АКТни

«электрон ҳукумат» сифатида таърифлаш тўғрими? Ушбу саволга жавоб бериш учун «ҳукумат» тушунчасига қандай норматив-ҳуқуқий ва сиёсий таъриф берилганлигига мурожаат қиламиз. Жумладан, Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонунлари Ҳукуматни (Вазирлар Маҳкамасини) Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви органлари тизимига бошчилик қиладиган ва улар воситасида иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарали фаолият кўрсатишини, мамлакат қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижро этилишини таъминлайдиган ижро этувчи давлат ҳокимияти органи сифатида таърифлайди. Сиёсатшуносликда кенг қабул қилинган «ҳукумат» атамасини тегишли энциклопедик луғатлардан топиш мумкин[4]. Ҳукумат – бу ваколат берилган шахслар ва муассасалар орқали жамиятни бошқаришни ва давлат ишларини юритишни амалга оширадиган мамлакатдаги ижро этувчи давлат ҳокимиятининг олий органи ўхшаш Microsoft компаниясининг машқур мультимедия энциклопедияси – Encarta Encyclopedia – ҳукуматни, оммавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва давлат ишларини юритиш учун ҳокимият берилган ва тегишли ҳудудий чегаралар доирасида одамлар ўртасидаги, одамларнинг умуман жамият билан ва жамиятнинг сиёсатнинг бошқа субъектлари билан муносабатларини қуриш ва тартибга солиш ваколатлари берилган шахслар ва муассасалардан иборат сиёсий ташкилот сифатида таърифлайди. Шундай қилиб, энг умумий тарзда ҳукумат – бу тегишли ваколатлар берилган шахслар ва муассасалар орқали жамиятни бошқарадиган ва давлат ишларини юритадиган мамлакатдаги ижро этувчи давлат ҳокимиятининг олий органи. Яъни, ҳукумат – бу, энг аввало, сиёсий тизим. Давлат бошқарувидаги АКТ эса - ахборот-техник тизим ва у ҳеч бир сифатда давлат бошқаруви органларининг жами бўла олмаслиги тушунарлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Ш., Амиров Д. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши шарҳи.
2. Шафрин Ю. Основы компьютерной технологии. Справочник школьника. - М., 2008, 345-стр
3. Балафанов Е.К., Бурибаев Б., Даулеткулов А.Б. 30 уроков по информатике. Учебник. – Алматы: Шартарап, 2009, 422-стр
4. Ходиев Б.Ю. Сарсатская Т.И. Технологии Интернет, Учеб. пособие, Ташкент-2003, 134 стр